
Данғарада қарзини тўламаган қарздорни

Данғарада қарзини тўламаган қарздорни "LASETTI"си жарима майдонига олиб кирилди
Бюронинг Данғара тумани бўлими иш юритувида бўлган ФИБ Қўқон туманлараро судининг
20.04.2022 йил кунги ижро ҳужжатига асосан ШН.дан ундирувчи АТИБ "Ипотекабанк" Қўқон
филиали фойдасига 52.044.000 сўм кредит қарз ҳамда 18.900 сўм почта харажати ундириш ва
ундирувни ундирувни Ш.Н.га тегишли "LASETTI"га қаратиш ҳақидаги ижро ҳужжати бўйича
давлат ижрочиси томонидан қарздор суд қарорини ижросини таъминлаш юзасидан
огохлантирилган.Лекин, қарздор суд қарорини ижросини таъминлаш чорасини кўрмаганлиги учун
унга тегишли бўлган "LASETTI" автомашинасига нисбатан қидирув эълон қилинган.Олиб борилган
мажбурий ижро ҳаракатлари давомида "LASETTI" русумли автомашина 08.11.2022 йил куни
аниқланиб хатланган ва жарима майдонига олиб кирилган. Ҳозирда хатланган мулкни аукцион
савдога қўйиш чоралари кўрилмоқда.

Бюронинг Данғара тумани бўлими иш юритувида бўлган ФИБ Қўқон туманлараро судининг
25.10.2022 йил кунги адримига асосан “Инвест Ҳамкор плус микрокредит” МЧЖ фойдасига
қарздор М.А.га тегишли бўлган “NEXIA 2” русумли автотранспорт воситасини хатлаш тўғрисидаги
ижро ҳужжати бўйича қарздор ихтиёрий равишда автотранспорт воситасини жарима майдонига
олиб кириш тўғрисида огохлантирилган. Лекин, қарздор суд қарорини талабини бажармаганлиги
сабабли, давлат ижрочиси томонидан олиб борилган ижро ҳаракатлари давомида унга тегишли
бўлган “NEXIA 2” русумли автотранспорт воситаси топилиб, мажбурий тартибда 04.11.2022 йил
куни жарима майдонига олиб кирилди ва ижро ҳужжати амалда тамомланди

МИБ Данғара тумани бўлими

2022-11-11 11:07:10